
المؤتمر العلمي والعملية

تحت عنوان

«قضية اللغة الوسيطة والنهج المبتكر في تدريس اللغة
الأجنبية (العربية) بالطرق الحديثة»

**«ЧЕТ (АРАБ) ТИЛИ ЗАМОНАВИЙ
ТАЪЛИМИДА ВОСИТА ТИЛ
МУАММОСИ ВА ИННОВАЦИОН
ЁНДАШУВ»**

мавзусида илмий-амалий анжуман

Тошкент – 2020

УДК:4.81
Т-45

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 13 февральдаги №116 сон буйриғи асосида

Таҳрир ҳайъати:

“Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар” кафедраси:

- 1. А.Казакбаев – мудири, раис***
- 2. А.Абдуллаев – доцент, филология фанлари номзоди***
- 3. З.Арипова – доцент, тарих фанлари номзоди***
- 4. Р.Матибаева – доцент, тарих фанлари номзоди***
- 5. З.Шокирова – доцент, тарих фанлари номзоди***
- 6. Ю.Исмоилова – катта ўқитувчи, тарих фанлари номзоди***
- 7. И.Мирзиётов – катта ўқитувчи, педагогика фанлари номзоди***
- 8. Доктор Ҳилол – катта ўқитувчи, PhD***
- 9. Доктор Убайд – катта ўқитувчи, PhD***
- 10. Доктор Аҳмад – катта ўқитувчи, PhD***
- 11. Н.Мулласодиқова – катта ўқитувчи***
- 12. Б.Пирмухамедов – катта ўқитувчи***

Тўпламга “Чет (араб) тили замонавий таълимида восита тил муаммоси ва инновацион ёндашув” мавзусида ўтказилган илмий-амалий анжуманнинг маъруза матнлари жойлаштирилди. Анжуманда чет тилларини ўқитишда жаҳон тажрибаси, замонавий услублар ва янгича ёндашув масалалар таҳлили, ўқитишда йўналишларга мос методология, назарий муаммолар, восита тил муаммоси методологик ва амалий масалалари муҳокама этилди.

Анжуман материалларидан республикада шарқ тиллари ўқитиладиган олий ўқув юртлари, чет тилларига ихтисослашган лицей ва ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари фойдаланишлари мумкин.

© Тошкент, 2020.

В.Г.Мамаджанова. ИСПОЛЬЗОВАНИЕ КОММУНИКАТИВНЫХ И ЛЕКСИЧЕСКИХ ИГР НА УРОКАХ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА	60
S.R.Mamanazarova. MASOFAVIY TA'LIMDA XORIJIY TILI(ARAB TILI) O'QITISHNING AFZALLIKLARI VA KAMCHILIKLARI	64
Б.Мансуров. АРАБ ТИЛИНИ ЎҚИТИШДА ЖАҲОН ТАЖРИБАСИ (МУАММО, ЮТУҚ, КАМЧИЛИКЛАР)	71
Б.Х.Махаммадходжаев. ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШДА ҚЎЛЛАНИЛГАН МЕТОДЛАР ВА УЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ	79
Ҳ.Нуриддинов. ТУРКИЙ СЎЗЛАРНИНГ ЎЗЛАШИШ ТАРИХИ.....	85
М.Т.Қодирова. АРАБ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИСИНИНГ ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНЦИЯСИ ЎРГАНИЛГАНЛИК ДАРАЖАСИ	92
Н.Саидова. ТИЛ ЎРГАНИШДА КОММУНИКАТИВ МЕТОДНИНГ БОШҚА МЕТОДЛАРДАН АФЗАЛЛИКЛАРИ.....	97
Y.Shukurov. XORIJIY TILLARNI O'QITISH USLUBLARI VA ULARNING XUSUSIYATLARI	101
J.N.Temirov. ARAB VA O'ZBEK TILLARI FONETIKASINING O'ZARO FARQLI JIHATLARI	104
Н.И.Умарова. ЛЕКСИЧЕСКОЕ И ФОНЕТИЧЕСКОЕ НЕСООТВЕТСТВИЕ ЛИТУРАТУРНОГО АРАБСКОГО ЯЗЫКА И ЕГИПЕТСКОГО ДИАЛЕКТА	108
С.А.Чимпўлатова. ЧЕТ (АРАБ) ТИЛИНИ ЎҚИТИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР	113
М.Абророва. ARAB TILINI O'RGANISHDA ELEKTRON DASTUR VA MOBIL ILOVALARNING O'RNI.....	116
I.Mamarailov. CHET (ARAB) TILINI O'QITISHDA JAHON TAJRIBASI: CHET (ARAB) TILINI O'RGANISH.....	122

أَنْتُمْ – أَنْتُمْ /intu/э – вы (муж\жен)

ذَا – هَذَا /dal – это (муж)

هَذِهِ – دي /di/ – это (жен)

هَؤُلَاءِ – ذُولْ /duul'/ – эти (множ)

الَّذِي \ الَّتِي \ الَّذِينَ – illi/– который\которая \ которые, то есть на

диалекте нет разницу в единственном и множественном числе.

Некоторые глаголы заменяются на аммия другими эквивалентами:

يُرُوْحُ – يَذْهَبُ /yazhabul/ - он отправляется

يَطْنَعُ – يَصْعَدُ /'yas'adul/ - он поднимается

يَتْعَبُ – يَمْرَضُ /yamradul/ - он болеет

يَزْعَلُ – يَغْضَبُ /yag'dabul/ - он злится

يَأْتِي – يَجِي /ya'tii/ - он идёт

يَعْمَلُ – يَشْتَعَلُ /ya'malul/ - он работает

Вот такой арабский использует простое население Египта. Тут все смешалось: и арабский без харакятов, и иностранные слова в арабской артикуляции (к каждой гласной букве добавляется харф мадд), и слова из самой аммии с фонетическими изменениями. Эдакая смесь всего со всем - это то, как живет арабский язык в речи людей.

* * *

ЧЕТ (АРАБ) ТИЛИНИ ЎҚИТИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ЗАМОНАВИЙ ТАЛАБЛАР

Чимпўлатова Севара Алишеровна,

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети,

Шарқ тиллари кафедраси ўқитувчи

Чет тилларни ўргатиш таълим жараёнини бир тизимга солиб лойиҳалаштириш ва режалаштиришни, бунинг учун зарур билим, кўникма ва малакаларга эга бўлган хорижий тил ўқитувчиларини тайёрлашни тақоза қилади. Бинобарин, чет араб тили ўқитувчиси мутахасислигини тайёрлашда таълим жараёнини технологиялаштириш тизимига хос қуйидаги вазифаларнинг амалга оширилиши талаб қилинади:

- бўлажак чет (араб) тили ўқитувчиларига таълим жараёнини технологиялаштиришнинг тоифа ва қоидаларини, усулларини ўрганиш;
- таълим жараёни натижаларини лойиҳалаштириш тўғрисида тушунча, кўникма ва малакаларни шакллантириш;
- таълим технологияларининг концептуал асослари - замонавий педагогик ва психологик фанларда ишлаб чиқилган илғор ғояларни билиш;
- бўлажак чет (араб) тили ўқитувчиларига ташкил қилинадиган ўқув жараёнининг мақсадини белгилашни ўрганиш;
- таълим бериш моделлари орқали режалаштириладиган натижаларни қафолатлашни ўрганиш;
- таълим жараёнининг натижаларини лойиҳалаштириш, режалаштириш, назорат ва баҳолашга, бу жараёни узлуксиз ва мунтазам кузатишни – мониторинг қилишнинг восита ва усулларини ўрганиш.

Янги педагогик технологияларни чет араб тилини ўқитиш методикаси жараёнига тадбиқ қилишдан асосий мақсад - мавжуд шароитда ва ўқув режасида берилган вақтда режалаштирилган натижага эришишнинг қафолатини таъминлаш, бу орқали таълим самарадорлигининг ошишига эришиш, чет (араб) тили ўқитувчиларининг илғор педагогик технологиялар билан янги авлодини шакллантириш, натижада республикамизнинг олий ўқув юртларидан йетишиб чиқадиган бўлажак кадрларни хорижий тилларда, шу билан бирга араб тилида эркин гапира оладиган, адабиётларни ўқиб тушуна оладиган мутахассисларга айлантиришдир.

Технологик жараён хорижий тилнинг назарий асосларини ўргатишга, шу аснода мулоқотга ўргатиш тамойилларига асосланган дифференциялаштирилган ва индивидуаллаштирилган, жуфт ва гуруҳ бўлиб ишлашга (диалог), ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро боғлиқ фаолиятига йўналтиришни режалаштиришни, лойиҳалаштиришни ва улардан таълим жараёнида қўллашни назарда тутди. Таълим жараёнининг бундай ташкил қилиниши ўқитувчи ва талабаларлар, ҳамда ўқувчилар орасидаги мулоқотни тизимли ва тезкор амалга оширишни, таълим жараёнининг жорий натижаларини узлуксиз кузатишни, ташҳислашни, тезкор баҳолашни, таҳлил ва мақбул бошқарув хулосасини қабул қилишни таъминлайди.

Чет (араб) тилларни ўргатиш жараёнида талаба шахсини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилади. Бинобарин, машғулотларни режалаштиришда қуйидаги вазифалар амалга оширилиши лозим:

– таълим оловчи шахснинг ҳар томонлама эркин ва ижодий ривожланиши учун қулайлик, зиддиятсиз ва хавфсиз шароитларни яратиш, унинг табиий интеллектуал имкониятларини ҳисобга олиш;

– ўқитувчи томонидан талаба шахсининг эътиборга олиниши: унинг мақсадлари, қизиқишлари, қарашлари, муносабатларини тушуниш ва қадрлаш, унга, унинг куч ва имкониятларига ишониш;

– таълим бериш технологиясини режалаштириш ва амалга ошириш жараёнида ушбу билим соҳасида талаба билимини, шахс маданиятининг умумий ривожланиш даражасини ҳисобга олиш;

– талаба психологик-физиологик хусусиятларини ҳисобга олиш;

– таълим жараёнини ҳар бир таълим оловчининг ривожланиш даражаси ва унинг имкониятларига мос равишда ташкиллаштириш; - талаба ўз билимини, ўзлигини аниқлай олишига, ўз интелектини узлуксиз ривожланишига ёрдам кўрсатиш, уни шахс сифатида назорат ва ташҳис қилиш;

– талаба шахс сифатида ривожланишининг умумпедагогик технологияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

Чет (араб) тилларни ўргатишда таълим жараёнини технологиялаштиришга ўргатиш талабаларнинг ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятга йўллаш орқали режалаштиришни кўзда тутди. Фаолиятга йўллаш қуйидаги усулларда амалга оширилади:

– ўқитувчи таълим оловчиларни мустақил изланишга, таҳлил қилишга, таққослашга, ўзгартиришга, билимларни мулоқот жараёнида қўллашга, ўз билимларини муттасил янгилашга ва тўлдиришга ўргатади;

– бу жараёнда ўқитувчи ўқув жараёнининг ташкилотчиси, маслаҳатчиси ва назоратчиси бўлиши керак;

– таълимни жуфт ва гуруҳ бўлиб ишлаш орқали ташкил қилиш таълим оловчиларнинг юқори фаоллигини таъминлайди; бу жараёнда натижаларни белгилаш, режалаштириш ва ўқув-билиш фаолиятини ташкиллашатириш бўйича таълим оловчиларнинг мустақил фаолияти қўллаб-қувватланади. Хорижий ёки араб тилини ўқитишнинг назарий

асосларини ўргатувчи маъруза машғулотлари таълим олувчиларни тингловчилар сифатида эмас, ўрганилаётган материални чуқур англаш, уларни ўз она тилиси билан таққослаш, мустақил изланиш ва тўғри хулосаларга келиш йуллари режалаштирилган интерфаол усулларда технологиялаштирилади.

Бундай технологиялар маъруза, семинар машғулотлари, мустақил ишлар учун алоҳида режалаштирилади.

Чет (араб) тилларида мулоқотни ўргатиш амалий машғулотларда таълим жараёнини технологиялаштириш ҳозирги замон чет (араб) тилини ўқитиш методикасида устувор йўналиш сифатида амалга оширилади.

Амалий машғулотлар жараёнида шакллантириладиган мулоқот кўникма ва малакалари ўқув лабораториясида уйга вазифа сифатида уч бора мустаҳкамланиши ташкил қилинади ва назорат остига олинади.

* * *